ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ | № 97 (10.402) | 2005 ЙИЛ 20 МАЙ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БМТ БОШ КОТИБИ КОФИ АННАН БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ

Шу йил 19 май куни кечқурун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан БМТ Бош котиби Кофи Аннан ўртасида телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Суҳбат чоғида И.Каримов БМТ Бош котибини шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида содир бўлган воқеалар ҳақида батафсил хабардор қилди.

К.Аннан бу воқеалар оқибатида одамлар ҳалок бўлгани ва жабр кўрганидан катта ташвиш ва безовталик билдирди. У мазкур воқеалар юзасидан ҳар томонлама чуқур тергов ўтказиш, айбдорларни аниқлаш ва жазолаш зарурлигини қайд этди.

Айни пайтда у Андижонда ва Қирғизистон билан чегарада вазият барқарорлашаётганидан ҳамда аҳолини ҳимоя қилиш ва зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича барча амалий чоралар кўрилаётганидан қониқиш билдирди.

БМТ Бош котиби К.Аннан ва Ўзбекистон Президенти И.Каримов Андижонда ва бутун минтақадаги вазият бўйича яқин алоқада бўлиб, мунтазам ахборот алмашиб туришни давом эттириш юзасидан келишиб олдилар.

/ЎзА/

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХХРГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 2005 йил 25-27 май кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон-Хитой муносабатларини ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қиладилар.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## ДИПЛОМАТЛАР ВА ЖУРНАЛИСТЛАР АНДИЖОНГА БОРИШДИ

**18 май куни, яъни фожеа содир этилганидан тўрт кун ўтганидан сўнг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат гуруҳ Андижонга келди. Дипломатлар ва журналистларга айнан 13 май воқеалари содир этилган жойларда бўлиш имконияти яратиб берилди. Шаҳар бўйлаб юришда ҳамда террорчилар ҳужумидан зарар кўрган объектларни кўздан кечириш давомида уларга республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамроҳлик қилишди. Улар бу ерга келганларга яқинда бўлиб ўтган воқеалар ривожини бошдан охир тиклашларига кўмаклашишди.**

...13 май куни вилоят ҳокимлигини эгаллаб олган экстремистлар уст-бошига бензин сепилган аёллар ва болаларнинг панасида ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ўраб олинган ҳалқани ёриб ўтишди. Террористлар бир неча ўнлаб тинч аҳолини, шунингдек, ўша пайти ёнларидан ўтиб кетаётган «тез ёрдам» машинасининг уч нафар шифокорини ҳам отиб ташлашди. Булар ҳақида Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарлари ва чет эллик журналистларга Ички ишлар вазири З.Алматов сўзлаб берди.

Вилоят ҳокимлиги ёнида сафар иштирокчилари гаровга олинганлар орасидан бахтли тасодиф туфайли омон қолганлардан бири — жангарилар ўзлари босиб олган ҳокимлик биносидан чиқиши пайтида «тирик қалқон» сифатида фойдаланган А.Абдурахмонов билан учрашдилар. Дарвоқе, у ўзини ушлаб олган бандитлар орасидан бирорта ҳам андижонлик ҳамюртини кўрмаган, бу эса Андижон воқеаларидаги ташқи омилдан яққол гувоҳлик беради.

Давоми 2-бетда.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини юксалтириш, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштирокини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мамлакатимиз хотин-қизларининг ижтимоий фаоллигини янада оширишда муҳим омил бўлди. Зеро, бугунги кунда юртимизда кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларида, турли жабҳаларда қўлга киритилаётган муваффақиятларда, баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда жамиятимиз кўрки ва таянчи бўлмиш аёлларнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Жамият тараққиётида депутат аёлларнинг тутган ўрни» мавзуидаги йиғилишда ана шулар ҳақида гап борди.

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари М.Сафоева бошқарди.

Йиғилиш қатнашчилари шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида фожиали воқеаларни содир этган террорчиларнинг хуружларини кескин қораладилар.

Тадбирда хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш, маҳаллалар, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятини янада кучайтиришга оид масалалар юзасидан батафсил фикр алмашилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

ЎзА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИВ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

**2005 йил 19 май куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Қирғизистон томонига тақдим этган нотада қуйидагилар қайд этилади:**

"Қирғизистоннинг Ўзбекистон билан чегарадош туманларидаги вазият таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги кунлар у жойларда жиддий тартибсизликлар ва диний кўринишдаги уюшмаган гуруҳларнинг чиқишлари рўй берди.

Чегарадош туманларда бир гуруҳ шахсларнинг кескин чиқишлари эътиборни тортади, уларда Ўзбекистон ҳукуматига қарши йўналтирилган, экстремистик руҳдаги турли даъват ва шиорлар ўртага ташланмоқда.

Ўзбекистон томони вазиятнинг маҳаллий ҳукумат томонидан назорат қилинмаётгани ҳамда ўз вақтида чоралар қабул қилмасликнинг давом этиши вазиятнинг назорат остидан чиқиб кетишига олиб келиши мумкинлигини қайд этади.

Ўзбекистон ТИВ олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга йўл қўймаслик мақсадида Қирғизистон томонини чегара постларни мустаҳкамлашга чақиради.

Бунда Ўзбекистон томони шу йил 13 майдаги Андижон воқеалари натижасида Қирғизистон ҳудудига ўтиб қолган бизнинг фуқаролар орасидаги аёллар, болалар ва кексаларни кечиктирмасдан ва ҳар қандай чеклашларсиз қайтарилишини ташкил этишга тайёр эканини билдиради.

Жазони ўтаётган вақтда ноқонуний равишда озод этилган 120 нафар жиноятчи ҳамон қидирувда эканини эътиборга олиб, қолганларнинг барчаси, яъни Қирғизистон ҳудудига ўтиб қолган эркаклар ва 16 ёшдан ошган йигитлар пухта текширувдан ўтказилади.

Ўзбекистон томони чегарадош туманларда маҳаллий аҳолининг кириб-чиқишларини таъминлаш учун мажбурий чегара назорати ва божхона текшируви асосида зарур бўлган миқдордаги чегарадан ўтиш пунктларини ташкил этишга тайёрдир".

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

- **Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг ташқи меҳнат миграциясига оид нормаларини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ижро этилиши муҳокама қилинди.**
- **Кеча Сурхондарё вилоятининг тоғли Бойсун туманида анъанавий «Бойсун баҳори» фольклор этнографик жамоаларининг халқаро санъат фестивали бошланди.**
- **Хоразм вилоят ҳокимлигида «Жамиятнинг демократик янгиланишида хотин-қизларнинг ўрни ва роли» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**
- **«Камолот» ЁИҲ ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» анъанавий кўрик-танловининг мамлакат босқичи Гулистон шаҳрида ўтказилди.**
- **Ургутдаги тамаки хом ашёсини қайта ишлайдиган «Яшил олтин» кичик корхонаси таркибида Самарқанд вилоятида ягона, саноатда муҳим ўрин тутадиган шифер маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цех ишга тушди.**
- **Намангандаги энг яхши қурилиш ташкилотлари ўтган асрнинг 80-йилларида фойдаланишга топширилган маҳаллий аэропортни реконструкция қилишга киришдилар.**

### Жаҳонда

- **АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари мамлакатни ҳар қандай ҳужумдан сақлаш мақсадида космосдан туриб ҳимоя қилувчи қурол яратиш дастурини Президент Жорж Бушга таклиф қилди.**
- **Эрон Ислом Республикасида шу йилнинг 17 июнида ўтадиган Президент сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ўтган ҳафта номзодларни рўйхатга олиш якунланди.**
- **Кеча Японияда икки маротаба зилзила рўй берди. Хоккайдо оролининг шимолида жойлашган Косиро шаҳрида юз берган ер силкиниши кучи Рихтер шкаласи бўйича 5,1 баллни ташкил этди. Иккинчи зилзила эса Тиба префектураси соҳилларида кузатилди.**
- **Замбиянинг шимолидаги қурғоқчиликдан зарар кўрган туманларга инсонпарварлик юкларини олиб кетаётган ҳарбий самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида 13 киши ҳаётдан кўз юмди.**
- **Португалиянинг «Спортинг» клубини финалда 3:1 ҳисобида доғда қолдирган Москванинг ЦСКА жамоаси УЕФА Кубогининг соҳиби бўлди.**

# ТИНЧЛИК — ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ

**Тинчлик дунёдаги энг бебаҳо бойлик. Уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Туғилиб ўсган маконинг, муқаддас остонангнинг ҳар бир қаричи жон қадар азиз. Биз буни Андижон шаҳрида содир этилган мудҳиш воқеалардан кейин янада теранроқ англаб турибмиз. Бир гуруҳ ғаламисларнинг манфур қилмишлари ва бунинг оқибатида ҳамюртларимизнинг бегуноҳ тўкилган қони қалбларимизни ларзага солди, «чучварани хом санаб» тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлганлар элу юртимизнинг нафратига учради. Корхона, ташкилот ва маҳаллаларда ўтказилаётган учрашувларда ҳамшаҳарларимиз юртимизга, элимизга, Президентимизга эътиқодлари баландлигини айтиб, тинчлигимизни асраш, ҳамиша огоҳу ҳушёр бўлиш лозимлигига чақирмоқдалар.**

## ҲАМИША ОГОҲ, ҲУШЁР БЎЛАЙЛИК

Юнусобод туманидаги «Бободеҳқон» маҳалла гузарида бўлиб ўтган «Ҳушёрлик, огоҳликни қўлдан бермайлик» деб номланган тадбирда ҳам тумандаги «Боғишамол», «Янги ҳаёт», «Дўстлик», «Чоштепа» каби ўнта маҳалла фаоллари, оқсоқоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар комиссиялари раислари иштирок этишди. Тадбирни туман ҳокими Равшан Пўлатов очар экан, Андижон шаҳрида содир этилган босқинчилик ҳаракатлари Ўзбекистон фуқаросиман деган ҳар бир ҳамюртимизнинг юрагини ларзага солгани, тинчликнинг қадри нақадар баланд экани юрак-юракдан яна бир бор ҳис этилгани, лекин бу синовлар халқимизнинг иродасини, эртанги кунга бўлган ишончини сўндира олмаслигини, мустақил юртимизнинг ҳар бир қарич тупроғини асрашга қодир ўғил-қизлари борлиги ҳақидаги фикрларни билдирди.

Шунингдек, тадбирда Олий Мажлис депутати С.Абдуллаев, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчилари Ф.Алимов, Т.Ҳамроев, туман бош имом-хатиби А.Ҳайдаров, туман ИИБ бошлиғи, подполковник Ф.Мирзаевлар иштирок этиб содир этилган мудҳиш воқеаларга ўз муносабатларини билдирдилар.

— Мустақиллик туфайли тилимиз, динимиз, урф-одатларимиз, қадр-қимматимиз, ўзлигимизга қайтдик, — деди жумладан «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи фаоли, меҳнат фахрийси Эгамназар ота Қодиров сўз олиб. — Зулматдан зиёга чиқдик. Муқаддас тупроғимизда кимлар ётибди — ота-онамиз, буюк аждодларимиз, элимизнинг ардоқли инсонлари, ўзимизнинг қондош-жондошимиз, ўзбек элини бутун дунёга танитган алломаларимиз ётибди. Кимлигимизни овозимизни чиқариб айтолмасдик. Мустақиллик туфайли барча имкониятларга эга бўлдик. Илмхоналар, масжиду мадрасалар очиқ, беш маҳал намозимизни ўқияпмиз. Маккаю Мадинага бориб ҳажларни қилиб, зиёратларни амалга оширмоқдамиз. Ҳозир қаранг, ўзбекнинг боласи хорижда ўқиб, тил ўрганяпти, илм-маърифатдан баҳраманд бўлмоқда. Ахир буларнинг барчаси мустақиллик шарофатидан-ку. Нега энди биз унинг қадрига етмаймиз. Кўз қорачиғидек асрамаймиз? Маҳалламиз аҳли номидан айтмоқчиман, табаррук, кўзларга тўтиё она-тупроғимизни ҳеч ким топташига йўл қўймаймиз.

Халқимиз мустақиллик кунларига етиб келгунча қандай кунларни бошидан кечирди, қанча синову синоатлардан ўтди. Юртимиздаги юксалишларни кўролмаган қора кучлар ҳеч қачон шум ниятларига ета олмайди. Халқимизнинг, Президентимизнинг тилаги битта — бутун дунёда тинчлик бўлсин, элу-юрт обод бўлиб гуллаб-яшнасин. Шу эзгу ният билан барчамиз биргаликда, бир жон, бир тан бўлиб, Ўзбекистонимизни, тинчлик-осудалигимизни ҳамма вақт сақлаймиз. "Хом сут эмган бандалар" буни тушуниб, англаб олишлари лозим, бир маслак ортида бирлашган халқ — енгилмас куч, катта дарё, улкан бўҳрон. Унинг йўлига чиққанлар фақат парокандаликка учраб нобуд бўлади.

Тадбир қатнашчилари ўз фикр-мулоҳазаларида тинчлик учун ҳар он курашмоқ лозимлиги, бундай ноxуш воқеалар қайтарилмаслиги учун ҳамиша ҳушёр, огоҳ бўлишимиз кераклиги, ёшларимизга тўғри тарбия бериш, улардан бохабар бўлиш, маҳалла-кўйнинг вазифалари ҳақида ҳам гапириб ўтдилар ва тегишли хулосаларга келдилар.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**



**СУРАТДА: «Бободеҳқон» маҳалласида бўлиб ўтган огоҳлик мавзуидаги тадбирдан лавҳа.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.**

# ДИПЛОМАТЛАР ВА ЖУРНАЛИСТЛАР АНДИЖОНГА БОРИШДИ

**Давоми. Боши 1-бетда.**

Дипломат ва журналистлар ўша мудҳиш тун даҳшатларининг излари ҳали йўқолмаган, автомат порохи ҳиди кетмаган ҳокимлик биносининг ичкарисида бўлдилар. Улар бино деворларида ўқ ва граната портлашининг излари йўқ эканига ишонч ҳосил қилишди. Бу эса Ғарбдаги айрим ОАВ воситалари ҳокимлик биноси бронетехникадан қўлланилган ҳолда штурм билан қўлга олинди, қабилида тарқатган ахборотлар исботланмаганининг тасдиғи эди.

Хорижий дипломатлар ва журналистлар, шунингдек, ҳокимлик олдидаги унча катта бўлмаган жойга «ўн минг намойишчи» асло сиғмаслигига ҳам ишонч ҳосил қилдилар. Бинонинг чор атрофидаги ўз яшиллиги ва гўзаллигини сақлаб қолган майса гиламлар ҳам бундан гувоҳлик беради. Бироқ, ерга ётқизилган тош бўлаклари жойидан қўзғатилган, улардан тўсиқ ёнида ўқ отиш жойлари қуриб олинган – бу ерга келган гуруҳ иштирокчилари буни ўз кўзлари билан кўрдилар.

Ҳокимликка қадар хорижлик дипломатлар ва журналистлар жангариларнинг ҳамласига биринчи бўлиб дуч келган патруль-соқчилик хизмати батальони ҳудуди ва биносида бўлишиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан суҳбатлашдилар, ўша куни тунда жанговар постда ўз хизмат бурчини адо этаётган пайтида ҳалок бўлган милиция ходимларининг ота-оналари билан танишдилар.

Жангариларнинг Андижон қамоқхонасига уюштирган кўққисдан ҳужуми ҳақида республика ИИВ Жазони ўташ бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А.Шодиев ва тергов изолятори бошлиғи О.Раҳмонов сўзлаб беришди ҳамда изолятор ҳудудини кўрсатдилар. Озод этилган маҳбусларнинг кўпчилиги жангарилар томонидан мажбуран олиб кетилгани, кейин эса уларнинг кўпчилиги ихтиёрий равишда ҳукуматга таслим бўлгани алоҳида қайд этилди. Дипломатлар ва журналистлар террорчиларнинг кўққис ҳамласига учраган ҳарбий қисм ҳудудини ҳам кўздан кечиришди, у ерда хизматни ўтаётган офицерлар ва муддатли хизматдаги аскарлар билан суҳбатлашдилар.

Аёллар ва болаларни гаровга олишда ваҳшиёна усулларни қўллаган, ҳарбий хизматчилар ва милиция ходимларини шафқатсизлик билан жазолаган «Акромия» экстремист ташкилоти сафидаги террористлар хуружининг қай тариқа содир этилгани шарҳида республика Ички ишлар вазири томонидан у дақиқама-дақиқа очиб берилгани хорижликларда катта таассурот уйғотди.

Жангарилар нафақат ҳокимлик биносини, балки унга яқин жойлашган кинотеатр ва Ўзбекистондаги қадимий иморатлардан бири — вилоят театри биноларига ҳам ўт қўйишгани мутлақо тасодифий ҳол эмас. Ўрта аср халифалигини барпо этишга интилаётган диний экстремистлар дунёвий маданият мезонларини мутлақо қабул қила олмасликларини, бир сўз билан айтганда – ўзларининг жоҳилликларини шу тариқа намойиш қилишди.

Сафар иштирокчилари Андижонда вазият барқарорлашгани ва у маҳаллий ҳукумат назорати остида турганига ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдилар. Улар кўрган манзаралар бундан олдин эълон қилинган расмий ахборотлардаги далилларни, жумладан, мазкур жиноятқорона хуружнинг ваҳшийларча, пухталик билан режалаштирилгани ва унга тайёргарлик кўрилганини тўласинча тасдиқлаши баробарида сўнгги пайтларда айрим хорижий ОАВ тарқатаётган уйдирмаларни ҳам инкор этди.

Босқинчи ва қотилларни халқ қўллаб-қувватламади. Аксинча, ИИВ раҳбари хабар берганидек, штабга доимий равишда жамоатчилик вакиллари келиб туришибди. 1200 кишидан иборат халқ дружиначилари шаҳарни ва унинг атрофини жиноий унсурлардан «тозалаш»да, беркитиб қўйилган қурол-яроғ ва ўқдориларни қидириб топишда иштирок этмоқда.

13 май тунида жангарилар томонидан золимларча тинчлиги бузилган Андижон яна одатдаги тинч-осуда ҳаёти билан яшай бошлади. Умид қилишни истар эдикки, дунёнинг барча мамлакатларидаги одамлар Андижонга бўлган мазкур сафар иштирокчиларидан ушбу сўлим ва меҳмондўст шаҳарда содир этилган фожеа тўғрисида холис ва ҳаққоний ахборотни олишади.

**«Жаҳон» АА.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

● **БУГУН** Собир Раҳимов туманидаги 249-мактабда Андижонда содир этилган террористик ҳаракатларнинг салбий оқибатларига бағишлаб ўтказилган тадбирда Хислат, Амир Темур, Нақшбандий, Беруний ҳамда "Чиғатой оқтепа", "Университет" маҳаллалари фаоллари иштирок этишди.

● **БУГУН** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Камолот" ЁИҲ Яккасарой туман Кенгаши томонидан уюштирилган тадбирда "Камолот"нинг фаол етакчилари тақдирланди.

● **КЕЧА** "Мотор заводи" очиқ акциядорлик жамиятида бўлиб ўтган тадбир "Огоҳликка даъват" деб номланди.

● **КЕЧА** 292-мактабда "Терроризмга қарши кураш" мавзуида ташкил этилган тадбирда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирок этишди.

● **ЎТГАН** куни "Азамат" маҳалласи гузарида "Оила-тарбия ўчоғи" мавзуида ўтказилган давра суҳбати Мирзо Улуғбек туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" маркази, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида талабалар ва ўқитувчилар, адиблар, шоирлар иштирокида "Ойбек — назм ва наср устаси" мавзуида ўтказилган адабий кеча академик ёзувчи Ойбекнинг юз йиллигига бағишланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

*Тадбирлар*

## ТАДБИРКОРЛАР ЎҚИТИЛАДИ

**Кичик ва хусусий бизнес ривожида, албатта тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам тадбиркорлик субъектлари раҳбар ва ходимларининг ўқувларини ташкил этиш, малакаларини оширишга қаратилган эътибор улар сафининг кенгайишида, шунинг баробарида иқтисодиёт ривожида катта аҳамиятга эга.**

Ана шуни ҳисобга олган Тошкент шаҳар савдо-саноат палатасининг Ҳамза туман бўлими тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ходимларига қулайлик яратиш мақсадида анкеталар тарқатган эди. Тўпланган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда туманда жойлашган «ASAKA O'QUVKOMPLEKSI» шўъба ўқув маркази билан ҳамкорликда тадбиркорлар учун очиқ эшиклар кунини ўтказишди.

— Ўқув марказимиз авваллари фақатгина банк ходимлари учун махсус ўқув курслари ташкил этган бўлса, — дейди ўқув маркази мудири Гулчеҳра Мамажонова, — хўжалик ҳисобига ўтгач йўналишларимизни кенгайтирдик. Айниқса, тадбиркорлар учун маркетинг, бухгалтерия, компьютер, инглиз тили курсларини ташкил этиб, тўпланган гуруҳларга малакали мутахассисларимиз машғулотлар ўтишини таъминлаяпмиз. Ҳар бир йўналиш бўйича 36 соатни ташкил этган ўқув курсларимизни тадбиркорлар учун имтиёзли нархларда ташкил этамиз. Уларнинг ўзларига керакли барча билимларни эгаллашлари учун шароитларимиз етарли, ўқув хоналаримиз замонавий техника ва кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Шунингдек, тингловчилар талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, меҳмонхона, сузиш ҳавзаси, ошхона хизматидан фойдаланиш каби қулайликлар мавжуд.

Очиқ эшиклар кунига ташриф буюрган тадбиркорларга ўқув курслари ҳақида батафсил маълумот берилиб, марказ фаолияти, машғулот ўтадиган хоналар билан таништирилди. Шунингдек, йиғилганларнинг барча саволларига аниқ жавоблар қайтарилди. Албатта, тадбиркорлик йўналишлари бўйича курс тингловчиларининг олган билимлари келгуси фаолиятларида ниҳоятда қўл келиши алоҳида таъкидланди.

**Асқар ТОШПЎЛАТОВ**




КУЛИНГ ДЎСТЛАР, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ.
Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.

# «ҲАДЕБ ИП ДЕЯВЕРМА»

## ҲАНГОМА

Ўзбекистон Халқ артисти Тамарахонимни кекса ва ўрта авлод яхши билади. Бу ноёб истеъдод эгаси саксондан ортиқ хорижий элатларнинг қўшиқ ва рақсларини маҳорат билан ижро этарди.

Унинг ижросидаги концертлардан сўнг хордиқ пайти шинавандалар даврасида Тамарахоним таассуротларини мароқ ва завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Синглиси Гавҳар Рахимова гоҳида «Опа, кўп гапиряпсиз» деб қўярди.

Тамарахоним таклиф киритди. «Гавҳархон, қачон мен кўп гапира бошласам, сен «Опа, ип» деб қўйгин. Мен дарров тўхтайман». Вилоятдаги концерт файзли ўтди. Тамарахонимни шинавандалар ўраб олишди, олқишларга буркашди. Концертдан кейинги дастурхон устида Тамарахоним тўлиб-тошиб гапира бошлади. Гавҳархон «Опа, ип» деди. Шунда Тамарахоним синглисига қараб: «Ҳадеб ип деяверма, ҳозир занжир бўлса ҳам узаман» деди. Гулдурос кулги янгради.

*Кунлардан бир кун*

# МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Машҳур ёзувчи Конан Дойль (Шерлок Холмс тўғрисидаги асарларнинг муаллифи) Римга келади. Такси ҳайдовчиси уни меҳмонхона ёнига келтириб сўради:

— Сиз Конан Дойль бўласизми?

Бу саволдан ҳайратланган ёзувчи деди:

— Сиз менинг номимни қаердан биласиз?

— Бу жуда осон, — деди ҳайдовчи. — Мен сизни вокзалда учратганимда чўнтагингиздаги детектив романга кўзим тушиб қолган эди.

— Бу жуда ажойиб китоб, — тушунтира бошлади машҳур ёзувчи Шерлок Холмс ҳақида гапириб, — у ҳақда сизда бошқа машҳур китоблар борми? Ўқигансизми?

— Йўқ, — деди ҳайдовчи. — Мен бу номларни сизнинг юкларингиз ичидаги китоблардан кўриб қолганман.

* * *

XIX асрнинг машҳур француз композитори ва дирижёри Ф.Буальдье «Комедье—Франсьез» театрида муқим ўрин тутарди.

Бир куни оқшом палласи машҳур композитор шу театр ёнидан ўтаётиб унга кириб спектакль томоша қилишга аҳд қилди. Илгарилари бу театрга кирмаган Буальдье чипта текширувчига ўзини таништирганида, унга текширувчи бошдан-оёқ термулиб деди:

— Бу қанақа таништирув жаноб? Биз жаноб Буальдьени жуда яхши танимиз, у ҳар кеча бу ерга ташриф буюради. Ҳа, айтганча бугун ҳам у бизнинг меҳмонимиз.

— Эҳ, жуда яхши, у ҳолда авф этгайсиз. Сиздан илтимос, менга унинг ёнидаги ўринга чипта топиб берсангиз. Мен у билан танишишни жуда истайман.

Томоша бошланишидан олдин ҳақиқий Буальдье ёнидаги кишига:

— Кечирасиз, — деди жилмайиб, сиз ростдан ҳам Буальдьемисиз?

— Бироқ... Жаноб... — деди Буальдьенинг қўшниси ташвишланиб,— мана 50 йилдирки, мен ҳар куни шу ном билан аталиб келяпман, ўйлашимча Буальдье мен бўлсам керак.

* * *

Истеъдодли, таникли ёзувчи Альфонзе Киррнинг гулга меҳри зўр эди. Қўшниси бой, банк хўжайини бўлиб яхшигина кутубхонага эга эди. Бир куни машҳур ёзувчи А.Кирр қўшнисидан зарур бир китобни бериб туришни илтимос қилди.

— Менинг ўзим бу китобга жуда муҳтожман. Менинг ишлашимда унинг аҳамияти жуда катта, — деди қўшниси. — Мен ҳеч кимга ҳеч қачон китоб бермайман. Агар хоҳласангиз марҳамат, кутубхонада фойдаланишингизга рухсат бераман.

Бир қанча вақт ўтгач қўшниси ўша бой А.Киррдан лейка —ўсимликларига сув сепиш учун ишлатиладиган махсус идишни бериб туришни илтимос қилди.

— Бунинг ҳеч иложи йўқ, — деди Кирр. — Менинг ўзим бунга муҳтожман. Менинг ишлашимда лейканинг аҳамияти беқиёс. Мен ҳеч кимга ҳеч қачон лейка бермайман. Агар хоҳласангиз марҳамат, кун бўйи лейкадан менинг гулзоримда фойдаланишингизга рухсат бераман.

Париж театрларининг бирида бир куни Дюманинг дўсти драматург Сумэнинг пьесаси ўйналарди. Сумэнинг томошаси қўйилаётганда Дюма у билан ложада ёнма-ён ўтирарди. Бир маҳал у Сумэнинг биқинига туртди:

— Анави хўппасемизни қара, хув ана, тагимизда ўтирибди. Пьесанг зўрлигидан ухлаб қолибди, хуррак ҳам отади-я!

Эртасига иттифоқо яна икковлон Дюманинг томошасида ложада ёнма-ён ўтириб қолишди. Томоша охирлаб қолганда Сумэ ҳам Дюмани туртиб, мудраётган томошабинга ишора қилди:

# ШИНГИЛ ТАБАССУМ

— Қара, сенинг ҳам томошанг зўр экан?

— Бу кечаги, сенинг томошангда ухлаб қолган-ку, — деди Дюма, — бечора ҳали ҳам уйғонмабди-я.

* * *

Дюма билан суҳбатлашиб ўтирган аслзода аёл уни мот қилмоқчи бўлиб деди:

— Отангиз мулат бўлган дейишади, шу ростми?

— Рост, хоним.

— Ундай бўлса бобонгиз ҳабаш бўлса керак?

— Албатта. Ҳатто сизга етти ухлаб тушингизга кирмаган бир сирни очишим мумкин: менинг катта бобом маймун бўлган.

— Йўғ-е, наҳотки?

— Ҳа-да, менинг наслим сизники тугаган ердан бошланади, хоним.

* * *

Купега аёл кириб келганда бир эркак газета ўқиб ўтирарди. «Ҳозир газета ўқиб бўлиб, менга гап отади, бир ялинтирай», ўйлади аёл. Эркак эса газетани ўқиб бўлиб, журнал титишга тушди. «Хўш, — ўйлади аёл, — журналларни ҳам қачондир ўқиб бўлади. Ана ўшанда бошланади менга ялиниш».

Эркак бўлса журнални ўқиб бўлиб, жойига чиқиб тескари қараб ётиб олди.

— Менга қаранг, — деди қаҳрга тўлиб аёл, — қанақа эркаксиз ўзи?

— Икки соат ялингандан кўра, йигирма дақиқа кутган яхши, — деди эркак.

* * *

Икки жаноб бир-бири билан танишмоқда.

— Абдуллаев. Бизнесмен. Темир-терсак, целлюлоза, ёғоч дегандек.

— Жуда соз. Азизов. Қамоқхона бошлиғи. Нон, сув, панжара дегандек.



*Қаҳқаҳа*

# ҚАРИЛИК БЕЛГИСИ

Маҳалламиздаги уйида ўтириб қолган бир қария шифокор ҳузурига амал-тақал қилиб бориб, унга дардини айтибди:

— Шу десанг ўғлим, кейинги пайтларда уйқу нималигини билмайман, фақат кундузи тушликдан кейин бироз мизғийман, холос.

— Отахон, бу кексалик касали, — қарияни тинчлантирмоқчи бўлди шифокор, — ўша озгина мизғиш ҳам сизга мадор!

— Оёғимнинг чигилини ёзай деб, кўчага чиқмоқчи бўлсам, тиззам оғриб зирқирайди.

— Ўзи шунақа бўлади, ҳамма қариганда тиззаси зирқирайди, оғрийди, отахон!

— Икки ҳафта бўлди, иштаҳамнинг мазаси йўқ, фақат, бир қултумгина сув ичаман.

— Бу ҳам қарилик асорати, отахон. Сизнинг ёшингизда иштаҳа ўзидан ўзи сусаяди.

— Хотирам мутлақо йўқ. Ҳатто, невара-чевараларимнинг исмларини ҳам кўпинча эслай олмайман.

— Хафа бўлманг, отам! Киши кексайган сари шунақанги хотираси йўқолаверади.

— Товба! Қанақа шифокорсан, ўғлим! Куюниб айтган ҳамма дардимни қариликка йўйяпсан. Бундоқ кўриб, дори-дармон берасанми, ўзи?!

— Бекорга мени койияпсиз, отам! Ҳалигача ер юзи бўйича қарияларни ёшартирадиган дори топилмаган. Сиз уйингизга бориб, хотиржам дам олаверинг. Олимлар ёшартирадиган дори топишса, уйингизга ўзим элтиб бераман. Ўшанда ҳамма айтган дардлардан халос бўласиз, отам!

# ОЛҒИР

## (ҲАЖВИЯ)

Қўшни мавзеда яшайдиган бир танишим бор, уни маҳалладошлари "Эпчил", гоҳо эса "Олғир" деб аташади. Асл исми эса Собир, у киши кўзига қўй оғзидан чўп олмаган одам бўлиб кўриниш учун беш вақт намозини ўқийди, жума куни масжидга боради. Қолган вақтда эса шаҳардаги буюм бозорларининг тўрт томонидан кириб-чиқиб, у ёқ-бу ёқдан келтирган нарсаларини мақтаб, бошқа жойлардан келган харидорларнинг елкасига ёлғон-яшиқдан гулчамбар илиб, ҳамёнини шилиш дардида юради, пул деса ўзини томдан ташлайди.

Ўзининг менга айтишига қараганда, фақат, долларни йиғишга зўр бераркан, ўзимизнинг сўмларнинг кундалик озиқ-овқату, ўғилчалари минадиган машиналарига ёқилғи олишга ишлатаркан. Долларни кўп йиғганидан гоҳида моғорлатиб қўяркан, шу боис аҳён-аҳёнда брезент халтасини очиб, қоронғу тушган пайтда шамоллатиб ҳам тураркан. Ҳа, айтгандек, у бунчалик кўп пулни қандай топаркан-а?..

Бултур участка учун олган ерига уй қуриш учун Нурилло исмли қадрдон оғайнимга пул зарур бўлиб қолиб, ёнимга келганди:

— Дўстим, икки йил бурун олган яп-янги "Дамас"имни фақат сенга сотмоқчиман, қурилиш материаллари олишга қўлим калталик қилиб қолди. Олгин дўстим, бегона бўлмасин.

— Қанчага мўлжаллаяпсан?

— Қарз-ҳавола қилсанг ҳам олгин. Мен ҳам баъзида машинадан фойдаланиб турарман, уч минг доллар бўлса бўлгани?!

— Бўпти, оламан, — дедим-да, пулдор танишим Собирга бориб, шу бозорида унга йўлиқиб "Дамас" машинаси олмоқчилигимни, дўстим Нурилло арзон-гаровга сотмоқчи бўлганини айтдим.

— Уч минг доллар бўлса, уйга бориб кўрай, борини уйингга олиб бораман, — деди-ю, чекка жойда турган "Нексия" машинасига ўтириб, шошапиша жўнаб қолди... Орадан уч кун ўтса ҳам Собирдан дарак бўлмади. Охири машина сотмоқчи бўлган Нуриллоникига бордим.

— Дўстим, машинангни олишим учун озроқ пул етмай турибди, агар рози бўлсанг, беш-олти кун ичида камини топиб бераман. Машинанг қўлдан кетмасин, ўзинг айтгандек, керак пайтида уни ишлатаверарсан.

— Нима деяпсан, ўзи? Собир деган, офтобда қатиқ ялашган ошнангга "Сен олақол, бошқа бегонага кетмасин", дея айтибсан-ку! Ўша куннинг эртасигаёқ олиб кетиб, Муллаев деган амакиси номига расмийлаштириб олди.

— Йўғ-е! Мен ундан озроқ қарз сўрагандим, холос.

— Ростдан, у энг қалин сирдош дўстинг эканлигига мени ишонтирди, ҳатто Худони ўртага солиб, қасам ичди.

— Об-бо, эпчил, олғир-ей! Бундан чиқди, ҳатто, "Дамас"ингни бировга ошиқчасига пуллабди ҳам! Маҳалладошлари бекорга уни "Эпчил"; "Олғир" дейишмас экан...

Ўша-ўша Собирга бирор гап айтмайдиган бўлгандим. Тунов куни у уйимга юзингга кўзинг борми, демай ҳеч нарса бўлмагандек кириб келди. Гап орасида ўсмоқчилаб, қандай янгиликлар, бор, деб сўради. Аламим ичимда эмасми, бу эпчилни бир боплай, дея ўйлай-ўйлай у кутган "янгилик"ни айтдим:

— Биласан, бизларда доим ҳамён касал. Яхшиям келиб қолдинг. Самарқандга ўн чақиримча етмасдан Челак деган шаҳар бор. Ўша ерда яшайдиган Убай тоға деган қариндошимиз ўртанча ўғилларини уйлантириш учун "Тико"сини тўйга икки минг доллар зарур бўлиб, менга арзонга сотмоқчи эдилар. Оламан, деб ваъда қилдиму бунча кўп пулни тополмай турибман.

— Тоға шаҳарнинг қаерида турадилар? — қизиқиб сўради Собир.

— Шундоқ шаҳар суди биносининг орқа томонидаги кўчада. Убай тоға, деса бас, ҳамма у кишини танийди.

— Унда дўстим, мен пулни топиб, сени овора қилмай, ўзим тоғага олиб бориб бераман. Фақат, бир парча қоғозга "Тоға, шу дўстимдан машинани бериб юборинг, тобим қочиб, боролмай қолдим" деб ёзсанг бас. Уйда сен билан тушган суратинг бор, ўшани ҳам олиб бораман. Машинани албатта, олиб келаман, пулини бир амалларсан, суюнчисини тайёрлаб қўйсанг бўлгани!

Бу гал Собирнинг эпчиллиги, олғирлиги панд берди шекилли, ўша кетганидан бери менга қорасини кўрсатмайди. Эшитишимча, уни маҳалласидаги бир-икки одам ҳам боплаб лақиллатишиб, таъзирини беришганмиш.

**Олим ҚЎЧҚОРБЕКОВ**

**Саҳифа материалларини кулги устаси Валижон ШАМШИЕВ (Чаққонбек) ва ОҚШОМБЕКлар тайёрлашди.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

# ҲАМЗА ҚУРИЛИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

*ўқишга таклиф этади*

**2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади:**



**9-синф маълумоти билан:**

***"Қурилиш-пардозлаш ишлари устаси ва қурилиш дурадгори"***
***"Ёғочга ишлов бериш ва мебелларни ишлаб чиқариш бўйича уста"***
***"Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог"***
***"Сув таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш ва таъмирлаш бўйича механик"***
***("В" ва "С" тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади)***
***"Электрон ҳисоблаш машиналари ва компьютер тармоқларини ишлатиш бўйича мутахассис"***
***"Бухгалтерия аудитор"***
***"Газ таъминоти тизими жиҳозларини йиғиш ва таъмирлаш бўйича механик" ("В" ва "С" тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади).***
***"Автомобиль воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича механик" ("В" ва "С" тоифали ҳайдовчи гувоҳномаси берилади.)***
***Ўқиш муддати 3 йил***

**11-синф маълумоти билан (шартнома асосида сиртқи бўлимга):**

***"Ҳуқуқшунослик"***
***"Бухгалтерия ҳисоби"***
***Ўқиш муддати 2 йил 6 ой.***

**Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

*1. Коллеж директори номига ариза.*
*2. Маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли).*
*3. 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.*
*4. Турар жойидан маълумотнома.*
*5. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат .*

**МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Слоним кўчаси, 113-уй.**
**Телефонлар: 94-42-32; 94-08-94.**

## «ORGTEXLOYIHAQURILISH» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли акциядорлар, «ORGTEXLOYIHAQURILISH» ОАЖ 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича 2005 йил 22 июнда соат 10.00 да, Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178-уйда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича «ORGTEXLOYIHAQURILISH» ОАЖ бошқарув органининг ҳисоботи ва 2005 йилга мўлжалланган бизнес режанинг бажарилишини тасдиқлаш.
2. 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича «ORGTEXLOYIHAQURILISH» ОАЖнинг баланс ҳисоботини тасдиқлаш, кўрилган фойда ва зарарни ва дивиденд тўлашни тасдиқлаш.
3. Аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги УП-3202 Фармонини бажариш:
— Устав фондини қўшимча акция чиқариш йўли билан оширишни, янги таҳрирдаги Уставни ва таъсис шартномасини тасдиқлаш ёки,
— масъулияти чекланган жамият турига ўтиб, фаолият юритишни, янги таҳрирдаги Уставни ва таъсис шартномасини тасдиқлаш.
— Накд кўринишдаги акцияларни накдсиз кўринишдаги акцияларга алмаштириш масаласини кўриб чиқиш.
5. 2005 йил учун бизнес-режани тасдиқлаш.
6. Жамият билан директор ўртасида тузилган меҳнат шартномаси муддатини тўхтатиш ёки узайтиришни кўриб чиқиш.
7. Кузатув Кенгаш аъзолигига номзодларни сайлаш.
8. Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодларни сайлаш.
9. Бошқарув органи аъзолигига номзодларни сайлаш.
10. Жамиятнинг ички низомларини тасдиқлаш:
— Тафтиш комиссияси тўғрисида;
— Жамиятни Бошқарув органи тўғрисида;
— Кузатув Кенгаш тўғрисида;
11. Кузатув Кенгаш аъзоларига тўланадиган мукофот пулларини тасдиқлаш.
12. 2005 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.

Акциядорларнинг умумий йиғилишда қатнашиши учун акциядорлар рўйхати (реестр) 2005 йилнинг 23 май куни ҳолатига ёпилган. Маълумотлар олиш учун қуйидаги телефонларга мурожаат этишингиз мумкин: 78-40-82, 78-54-08.

**Кузатув Кенгаши**

## Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автомототранспорт воситаларининг очиқ кимошди савдоси ўтказилади.

***2005 йил 31 май куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:***

1. "Газ-53" автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошланғич нархи 199 430 сўм, техник носоз;
2. "Газ-3306" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошланғич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз;
3. "Луаз-969М" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 620, бошланғич нархи 674 819 сўм, техник носоз;
4. "Газ-2411" автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АО 276, бошланғич нархи 1 033 967 сўм, техник носоз;
5. "Кавз-685" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 486, бошланғич нархи 2 266 608 сўм, техник соз;
6. "Каз-60882" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 144, бошланғич нархи 3 960 184 сўм, техник соз;
7. "Зил-ММЗ-45021" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АР 142, бошланғич нархи 2 588 053 сўм, техник соз;
8. "Газ-5204" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AN 337, бошланғич нархи 2 055 908 сўм, техник соз;
9. "ДЭУ-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 710, бошланғич нархи 3 129 424 сўм, техник носоз;
10. "Дэу-Рейсер" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AW 638, бошланғич нархи 3 145 029 сўм, техник носоз;
11. Москвич-2140 автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 56-71 ТША, бошланғич нархи 363 068 сўм, техник носоз;
12. "Зил-431412" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10-16 ТШС, бошланғич нархи 2 351 676 сўм, техник соз;
13. "Газ-53" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30-99 ТШС, бошланғич нархи 1 627 450 сўм, техник носоз;
14. "Татра-815" автомобили, 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 19 676 448 сўм, техник соз;
15. "ЮМЗ-702621 В-3" трактори, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22-52 ЕЗ, бошланғич нархи 570292 сўм, техник носоз;
16. "Ссанг Енг муссо" автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М 26-81, бошланғич нархи 5 760 267 сўм, техник носоз;
17. "Газ-24" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошланғич нархи 800 950 сўм, техник носоз;
18. "Ваз-2106" автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д-05-16 ТН, бошланғич нархи 965 834 сўм, техник соз;
19. "Мазда" автомобили, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз.

***2005 йил 21 июнь куни қуйидаги автомототранспорт воситаларининг кимошди савдолари ўтказилади:***

1. "Ваз-2121" автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1.154.814 сўм, техник носоз;
2. "Ярим тиркама", 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 53-44 ТН, бошланғич нархи 316.530 сўм, техник носоз;
3. "Газ-2401" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 FT 857, бошланғич нархи 492.713 сўм, техник носоз;
4. "УАЗ-31512" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 АЕ 856, бошланғич нархи 403.931 сўм, техник носоз;
5. "КАВЗ 3270" автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 598, бошланғич нархи 1.906.569 сўм, техник носоз;
6. "ЛАЗ-695" автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 686, бошланғич нархи 3.106. 862 сўм, техник носоз;
7. "ЗИЛ 130 Б" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 596, бошланғич нархи 2.704.230 сўм, техник носоз;
8. "КАМАЗ 5410" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 606, бошланғич нархи 2.055.559 сўм, техник носоз;
9. "КАМАЗ 5320 " автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 607, бошланғич нархи 3.067.000 сўм, техник носоз;
10. "ЗИЛ 130 ПМ"автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AG 603, бошланғич нархи 1.613.000 сўм, техник носоз;
11. "ВАЗ 2108" автомобили, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 К 57-56, бошланғич нархи 2.400.000 сўм, техник носоз;
12. "ВАЗ 2106" автомобили, 1980 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Т 08-96, бошланғич нархи 240.000 сўм.

**Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади**.
Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.
Кимошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 144-54-08; 41-16-38.**

## Шарқ дурдоналари

**Ўз-ўз ўрганиш доно бўлур...**

ҲИКОЯТ. Бир фозил киши бир улуғ одам билан доимо ҳамнафас, садоқат русумини жойига қўйишда бир дақиқани ҳам зое ўтказмас эди. Бир куни ундан сўради: «Фалон киши суҳбатининг таъсири сен учун қай даражада?» Деди: муҳаббат нуридир кўзда, хаёли доимо дилда, эрур жоним томоғимдан туролмай ишқдан бир дам.

● ҲИКМАТ Мингта дўст кам, битта душман кўпдир.

БАЙТ:

**Қўлингда бор экан**
**токи имконинг,**
**Бировнинг кўнглига**
**бермагин озор,**
**Минглаб кишиларни**
**дўст тутмоқ яхши,**
**Аммо битта душман**
**мингдан ҳам бисёр!**

● Ўз нафсини деб бойлик қидиришдан қўл тортиш натижаси роҳат, эл молидан таъма ипини узиш натижаси муҳаббат, ўзгалар сирини билишдан қочиш натижаси олий хулқдир.

**Оғир меҳнатларга**
**йўликди ҳар ким,**
**Таъма кўзини тикди**
**дўсту душманга,**
**Қилган таъмасига**
**етмаса агар,**
**Гина билан озор**
**берди кўп танга,**
**Таъмагирнинг умри**
**ғам билан ўтар,**
**Оқибат дер бир кун,**
**эвоҳ аттанга!**
**Ҳар кимса шод ила**
**хандон яшади,**
**Борига сабр этса,**
**бормайман—сенга!**

● Адоватга дучор бўлмай десанг, мол-дунёдан қўл юв, муҳаббат топай десанг, яхшилик ва эҳсон қил!

**Ҳар ким дунё учун**
**урса агар чанг,**
**Бало чанги уни айлади**
**сарсон,**
**Ҳар ким элга берса**
**бойлигин агар,**
**Барча балолардан**
**бўлди соғ-омон.**

## САБИЛ ҚОЛГАН СОВҒА

Қодиржон қўлида бир кучоқ гул, бир кийимлик атлас билан эшикдан хурсанд кириб келди. Совғани кўриб хотини Малоҳатнинг энсаси қотди.

— Вой, бу нима?

— Гул. Мана бу бир кийимлик атлас, сенга. Туғилган кунинг билан табриклайман, хотинжон.

Қодиржон чиройли қилиб дасталанган гулни Малоҳатга тутди.

— Нима қиламан буни, — деди истар-истамай гулни қўлига олган Малоҳат. — Озиб-ёзиб йилда бир марта келадиган туғилган кунимга ҳам совға деб, мана шу матоҳни кўтариб келдингизми?

—Ахир аёллар учун гулдан, атласдан яхши совға борми хотинжон, — ҳазил-ҳузул қилган бўлди Қодиржон.

— Гулингизни ўша ўзингиз ёқтирган аёлингизга олиб бориб беринг, менга керакмас, — қўлидаги гулни столга улоқтирди Малоҳат.

Қодиржоннинг кўнгли дарз кетди. Ғалати бўлиб хотинига термулиб қолди.

— Хонадонингизга келин бўлиб тушганимга бир йил бўляпти. Ҳамон ўша тўйда қилган тўртта кўйлагингизни оқартириб кийиб юрибман. Ҳа, ҳеч бўлмаса йилда бир марта келадиган туғилган кунимда ҳам хотинингизни тузукроқ совғага арзитмадингизми? Дугонам Ҳавохоннинг эри туғилган кунида хотинига яп-янги «Матиз» машинасини совға қилибди. Сабоҳоннинг эри чет элнинг қимматбаҳо тилла маржонидан олиб берибди. Қўшнимиз Саидахоннинг юрадиган йигити тилла соатни занжири билан ҳадя этибди. Сиз бўлсангиз... Пешонам бунча шўр бўлмаса...

Малоҳат ҳўнграб йиғлаганича уйга кириб кетди. Қодиржон айвонга қатор териб қўйилган стуллардан бирига ўтирганича хаёлга чўмди.

Бундан бир неча йил олдин онасининг туғилган кунида тилла зирак ҳадя этганди. Онаси қанчалик хурсанд бўлмасин, ўша зиракни барибир тақмади. Кунлар ўтиб Қодиржон шу ҳақда сўраганида онаси:

— Совғанг учун раҳмат болам. Ўша зиракни бўлажак келинимга атаб олиб қўйдим, — деди кулиб.

— Келинингизга ҳам насиб қилгани бордир ойи. Бу совға сизга, тақиб олинг, хафа бўламан, — деди Қодиржон онасига астойдил илтимос қилиб.

— Болажоним, — деди онаси шунда, —қулоғимдаги зиракни кўряпсанми? Уни отанг раҳматли туғилган кунимга ҳадя қилган. Йиллар бўйи уни қулоғимдан туширмай келаман. Гўё уни ечиб, бошқасини тақсам худди отангнинг руҳини ранжитгандек бўламан. Дилдан ҳадя қилинган совғанинг яхши-ёмони, катта-кичиги бўлмайди болам.

Чиндан ҳам орадан қанча йиллар ўтдики, ҳамон онаси отаси ҳадя қилган мана шу жез зиракни авайлаб-асрайди. Уни ҳеч қачон қулоғидан олган эмас. Ҳатто уни ёқут кўзли зиракка ҳам алмаштиришни хоҳламади. Мана буни садоқат деса бўлади. Мана буни эрга бўлган ҳурмат, совғанинг моҳияти, қадр-қимматига етиш деса бўлади.

Малоҳатнинг уйидан кийиниб чиқиши Қодиржоннинг хаёлларини тўзитиб юборди.

— Ҳа, йўл бўлсин, — деди у хотинига ҳайрон ҳолда қараб.

— Ойимникига кетаман. Битта тузукроқ совғачалик қадрим бўлмаган уйда нима қиламан.

Ана холос. Қодиржон ўша гулдастани, атласни чин кўнгилдан харид қилган эди. У хотини бу анвойи гулларни кўриб хурсанд бўлганидан худди мана шу шаффоф гуллардек гулгун очилиб кетишини хаёлига келтирган эди. Ҳозир эса бунинг аксини кўриб турибди. Айб кимда ўзи? Хотинидами ёки унинг совға харид қилишдаги нўноқлигидами, ё бўлмаса анави стол устида сабил қолиб ётган гулу атласдами? Мана шунисига у ҳайрон эди.

## МУХЛИСЛАР РАНЖИМАСИН

«Халқлар Дўстлиги» саройида бериладиган икки кунлик концерт олдидан биз бу санъаткор билан учрашмоқчи бўлдик. У билан концерт дастури ҳақида суҳбатлашиб, фикр-мулоҳазаларини оқшомхонлар эътиборига етказишни режалаб қўйгандик. Сўраб-суриштириб унга энг яқин бўлган дўсти, яъни доирачисининг телефон рақамини билиб олдик. Вақт ўтказмай қўнғироқ қилдик. Бахтимизга доирачи йигит уйида экан. Гўшакни ўзи кўтарди. Саломлашиб ундан биз истаётган санъаткорни топиб биз билан учраштиришга ёрдам беришини илтимос қилдик.

— Нимага керак бўлиб қолди у киши? — сўради у.

Учрашувдан кўзланган мақсадни айтдик.

— Ҳозир жуда бандлар. Билмадим бу таклифингизга кўнармиканлар?

— Фалончи қўнғироқ қилди десангиз бўлди. У одам бизни яхши танийди, — дедик.

— Бўлмаса соткасининг рақамини ёзиб олинг. Кечқурун соат 18 дан кейин қўнғироқ қилсангиз, тадбиримиз бор. У киши билан бирга бўламиз.

Келишдик. Кечки пайт айтилган вақтда у билан боғландик. Гўшакдан яна доирачи йигитнинг овози келди.

— Илтимосингизни етказдим. Лекин у одамга таклифингиз маъқул келмади. Тўғрироғи вақтим йўқ деяпти.

— 10-15 дақиқага имкон топилиб қолар, ортиқча вақтини олмаймиз.

— Ҳозир ўзлари йўқлар. Бошқа вақт телефон қилиб ўзи билан гаплашарсиз.

Эртасига, индинига телефон қилдик. Афсуски ҳар сафар гўшакдан доирачи йигитнинг овози эшитилди.

— Яхшиси бизга уй телефони рақамини беринг. Кечаси бўлса ҳам топамиз.

— Кечирасиз, бундай қилолмайман, уришадилар. Одатларини биламан. Хоҳламагандан кейин барибир таклифингизга кўнмайди. Яхшиси у киши билан суҳбатлашаман деб овора бўлманг.

Бу энди қанақаси бўлди? Манманликми, кибрми ёки менсимаслик? Аслида бу санъаткор бизга яхши таниш. Салом-алигимиз бор. Эндигина номи тилга тушган кезларда ўта камтар, камсуқум, биронта газета нашрларида ўзи ҳақида мақола ёритилса хурсанд бўлиб уни қўлдан қўймай юрарди. Энди у номдор, хизмат кўрсатган артист деган унвони бор. Мухлислар эътиборини қозонган. Таърифи тилга тушган. Тўйларнинг азиз меҳмони, давраларнинг гули. Энди унга ўзи ҳақида газета саҳифаларида ёритиладиган мақолаларнинг зарурияти унчалик йўқдек. Сабаби, шундоқ ҳам эътиборда.

Нима ҳам дердик. Зоримиз бор, зўримиз йўқ. У киши хоҳламади, биз ҳам ёзмадик. Лекин мағрурлик кўчасига кирган бу инсонга бир нарсани айтиб қўйишни жоиз топдик. Биласиз, обрў мисқоллаб йиғилади. Бу даражага етгунча, эл эътиборини қозонгунча қанча паст-баланд йўлларни босиб ўтдингиз биродар. Буни унутмаганингиз маъқул. «Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан» дейди халқимиз. Бугун одамлар сизни сийлаб, эъзозлаб турибди. Лекин билиб қўйинг мухлисларнинг ҳам ўзига яраша иззатнафси бор. Улар бир марта, икки марта салом беради. Сиздан жавоб бўлмаса эртасига кўриб-кўрмасликка олади, индамай ўтиб кетади. Санъаткор эса ўз мухлислари билан обрў-эътиборли. Агар улар бўлмаса, хоҳлайдими, хоҳламайдими, у саҳнадан тушади, даврани тарк этади.

Бунисини ҳеч кимга раво кўрмасдик.

### ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## Мунажжим башорати

**21 МАЙ, ШАНБА**

**Мунажжимлар бугунги кунни инсоннинг иш қобилияти ошадиган, эришадиган натижаларимиз ўз меҳнат севарлигимизга боғлиқ бўладиган кун деб ҳисоблашади. Шунингдек, гуруҳий мулоқотлар учун ҳам бу кун яхши келади. Яна бугун катта талант соҳиблари дунёга келиши ҳам башорат қилинади.**

Бугун қанча фаоллик кўрсатсангиз — шунча яхши. Дадил ва кескин ҳаракатлар ҳам самарали бўлади. Фақат бугун ҳеч кимга суянмай, мустақил ҳаракат қилиш талаб этилади. Бу шанба никоҳдан бошқа муҳим шартномалар, битимларни, муҳим ҳужжатларни имзолаш мумкин. Саёҳатлар мароқли бўлади.

Кўпроқ табиат қўйнида бўлиш, эшик ва деразаларни очиб қўйиш тавсия этилади. Тижорат ва савдо-сотиқ битимлари сиз ўйлагандек муваффақиятли бўлмаслиги мумкин. Бугун овқатдан ўзингизни чекламай, аксинча, кўнглингиз тусаган ҳамма нарсани тановул қилишингиз мумкин. Фақат спиртли ичимликлардан ўзингизни эҳтиёт қилсангиз бас.

Агар кечаси осмонда жуда кўплаб юлдузлар кўринадиган бўлса — ўша ер учун фаровонлик аломати бу. Келажагингиз эшиклари очилади, янги истиқболлар ва янги уфқлар сари йўлларингиз омадли бўлади. Бугун тирноқ олиш, соч олдириш мумкин эмас. Аёллар бу кунни эҳтиётлик билан ўтказишлари, янги танишув ва шубҳали таклифлардан ўзларини олиб қочганлари маъқул.

**БУГУН:**

— ўзингиз тез уддалай оладиган янги ишларни бошлаш;

— ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёки бошқа муҳим муаммоларни ҳал этиш;

— фаоллик ва ташаббускорлик намоён этиш;

— турли масалаларни ҳал этишда оқиллик билан соғлом мушоҳада юритишга ҳаракат қилиш тавсия этилади.

Ички туйғуларга ишониб иш кўриш, орзу-хаёлларга берилиш ва уларга бино қўйиш мумкин эмас.

**22 МАЙ, ЯКШАНБА**

**Ҳа, мунажжимлар бугунги кунни жуда муҳим кун деб ҳисоблаб, агар эзгу ишларни шу бугуноқ бошламасангиз, фурсатни бой берасиз, деб огоҳлантиришади. Умуман, ҳар қандай янги ишни айнан Ойнинг шу 14-куни бошлаш омадли бўларкан. Бугун таваллуд топган кишилар ҳамиша қандайдир хайрли ишларга даъват этилган бўлишади.**

Бугунги кунда рашк билан боғлиқ шубҳа-гумонлар ва бир-биридан аразлаш сабаблари ўз тасдиғини топиши, ёлғонлар фош бўлиши, яшириб юрилган сирлар ошкор бўлиши мумкин. Мабодо, шу ойга муҳим бир ишни бошлашни режалаштирган бўлсангиз, бугун уни бошлашнинг айни пайти. Қурилиш, таъмирлаш ишларини бошлаш, бошқа жойга кўчиш, янги ишга жойлашиш, янги корхона очиш, амалий учрашувлар, музокаралар, тижорат ишлари бугун омадли бўлади.

Бугун уй ҳайвонлари сизга суркалса ёки қушлар елкангизга ўтирса — бу яхшилик аломати. Сизга кутилмаган кўмак ва салобатли ҳомий келади. Қулфнинг бузилиши, бирон жойингизни кесиб олишингиз ёки қон сўрувчи ҳашаротнинг чақиши — нохушликларга ишора ҳисобланади.

Тушингиз ёрқин бўлиб, уни кўриб бўлишингиз билан уйғониб кетсангиз, бундай тушлар башоратли бўлади. Улар тез орада — бир ҳафта ичида ўнгингизда содир бўлиши мумкин.

**ЯКШАНБА КУНИ:**

— бошлаган ишингизни давом эттираверилиш;

— низоли масалаларни ечиш, берган қарзларингизни олиш;

— ўзингизга ёқмай қолган, халақит бераётган ҳамма нарсадан халос бўлиш;

— ўз фикр ва мақсадларингизни аниқ-равшан ифодалаш;

— меҳнатсеварлик ва чидам, сабр-тоқат намоён этиш;

— зарур ҳолларда куч ва ҳокимиятни ишга солиш тавсия этилади.

Ўзингизни қизиқтириб қўйган мафтункор таклифлардан, шахсий ҳаётингизни ўнглашга ҳаддан зиёд вақт ва эътибор беришдан, ўзингиз ёқтирган кишиларнинг ваъдаларига учишдан эҳтиёт бўлинг.

**23 МАЙ, ДУШАНБА**

**Душанба — оғир кун деб бежиз айтишмаган шекилли. Бугун кун шундай кечиши мумкин экан. Зуҳро ва Марс сайёралари энергияларининг ўзаро акс-таъсири муҳаббат можароларига сабаб бўлиши мумкин. Йўналишсиз ҳолатда турган ой (эрталаб 07.55 дан кеч 18.39 гача) янги ишларни бошлаш ҳамда майда-чуйда топшириқларнинг бажарилишига тўсқинлик қилади.**

Бугунги кунни шовқин-суронлардан нарироқда ўтказган маъқул. Танбаллик кайфиятига берилманг, ўз эҳтиросларингизни жиловлашга ҳаракат қилинг. Айниқса болаларга эътиборли бўлинг, уларга албатта вақтингизни ажратинг. Уларнинг истак-хоҳишларига қулоқ тутинг, майда-чуйда инжиқликларига сабр-тоқатли бўлинг. Кунни уйда болалар билан ҳамда рўзғор ишларини адо этиб ўтказишга интилинг.

Ўт-олов билан боғлиқ барча аломатлар — нохушликларга ишора. Лампа чироқнинг куйиши йўқотишлардан огоҳлантириш ҳисобланади. Лекин бугун сизни ёқимли ва фойдали харидлар кутади. Ўзингиз ёқтирган нарсаларга эга бўлишингиз мумкин.

**БУГУН:**

— хизмат вазифаларингизни ҳалол бажариб, меҳнат интизомига риоя қилиш;

— босиқлик ва сабр-тоқат намоён этиш;

— қисқа муддатли саёҳатлар ёки хизмат сафарига йўл олиш;

— озиқ-овқат маҳсулотлари, спорт анжомлари ва ўзингизга зарур бошқа буюмларни сотиб олиш;

— дадил ҳаракат қилиш, ўйлаб қўйган ишингизни кечикмай бажариш тавсия этилади.

Бирон нарсани танлашда ўз дидингизга тўла суяниб иш кўришдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.


**«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»**

**РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**

Тошканбой Эгамбердиев номли

Тошкент Давлат цирки

Бутун жаҳонга машҳур масхарабозлар, шунингдек аралаш ҳайвонларнинг катта гуруҳи иштирокида

**КАТТА ВА РАНГ-БАРАНГ ДАСТУР**

Томошалар шанба, якшанба кунлари соат 15.00 да бошланади. 21, 22, 28, 29 май ва 1 июнда 15.00 да бошланади.

Жамоа бўлиб келиш учун талабномалар қабул қилинади.

Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

**Касса соат 9.00 дан ишлайди. Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**


Юлдашева Мохира Тўлқиновна номига 1966 йили Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги 33-ўрта умумтаълим мактаб томонидан берилган 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги №103406 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**




Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3868 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-407. 1 2 3 4 6